




# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 119 (9.311) 1999 йил 13 октябрь, чоршанба Сотувда эркин нархда

**ДАВР САДОСИ**  
БАРЧА МАЊБАЛАРАНДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АҲБОРОТЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

♦ Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси Наҳиддин Комилов бошқарган бу мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатлариға кирувчи муҳим масалалар кўриб чиқилди.

♦ Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг Марказий сайлов комиссияси ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказган йиғилишида сайловолди маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни мувофиқлаштириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар дастури лойиҳаси муҳокама этилди.

♦ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг йиғилишида мажмуа тасарруфидида вазирлик, идора ва ташкилотларда ислохотларнинг бориши ҳамда Аёллар йили Давлат дастури бажарилишининг жорий тўққиз ойлик яқунлари муҳокама этилди.

♦ Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш бўйича Хукумат комиссиясининг тўлов мuddати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

♦ Кеча Тошкентдаги «Узэкспомарказ»да «Буюк ипак йули бўйлаб туризм» деб номланган халқаро туризм ярмаркаси очилди, унда жаҳоннинг 25 мамлакатидан 150 дан ортиқ туризм фирмалари иштирок этмакда.

♦ Ўзбекистон Бадий академиясида таниқли мусавирлар Дилёр Имомов ва Низомитдин Холиқовларнинг 60 йиллик тўйи муносабати билан шахсий кўргазмалари намойиши бўлиб ўтмоқда.

♦ Корея Халқ Демократик Республикаси хотин-қизлари Демократик Иттифоқи делегациясининг республикамизга ташрифи ниҳоятда оқибатли.

♦ Қадим Термизда «Алломиси» дostonи яратилганлигининг 1000 йиллик тантаналари билан айни бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубогига учун кураш бўйича иккинчи халқаро турнир ҳам ўтказилди. Ушбу турнирда жаҳоннинг 20 дан зиёд мамлакатидан номдор волеболлар катнашди.

♦ Волебол тумани пахтакорлари Бухоро вилоятида бичиринчи бўлиб режада кўзланган маррага етдилар. Вилот пахтакорлари ҳосилдорлигини 32 центнерга етказиб, жами 37 минг 410 тонна пахта ҳосили йиғиштириб олдилар.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАОЛЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

**КЕЧА**  
Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахтнинг иқтисодий, ижтимоий ривожлантиришига 1999 йил тўққиз ойлик яқунлариға бағишланган шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Шаҳримиздаги корхона, ташкилотлар, бошқарма ва бирлашмаларнинг раҳбарлари, шаҳар ҳокими ўринбосарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида ўтган тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаганов олиб борди.

Йиғилишида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилнинг тўққиз ойи яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳамжон Миржалолов маъруза қилиб, йиғилганлар эътиборини шу йилнинг ўтган уч чораги давомида эришилган ютуқлар, ечимини кутаётган айрим муаммоларга қаратди.

— Ўтган давр мобайнида саноатда деярли 120 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, солиштирма нархларда ўсиш суръати 104 фоизни ташкил этди. — деди жумладан маърузачи. — Шунингдек, 74,5 миллиард сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Ушбу вақт ичида Боғи Эрам боғи, Юнусобод бозори, Ислам университетиди, Юнусобод ва Бектемир туманларида катта бунёдкорлик ишлари олиб борилди, бошқа кўпгина объектлар қад кўтарди. Умуман, шаҳарда 54 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 329 минг квадрат метр уй-жой, жумладан 98 минг квадрат метр сертификат турар жойлар фойдаланишга топширилди. Шаҳар ҳудудиди 26 километр сув, 25 километр каналлаштириш, 14 километр газ қувурлари ўтказилди.

Ўтган тўққиз ой давомида давлат бюджетига 127 миллиард сўмлик даромад туширилди ва белгиланган режа 100,1 фоизга бажарилди. Маҳаллий бюджетга 50,4 миллиард сўмлик солиқ маблағлари йиғилди.

Шаҳар аҳолисиға 39 миллиард сўмликдан ортиқ пулли хизмат, жумладан 2,8 миллиард сўмлик маиший хизмат кўрсатилди.

Республика ҳукумати қарорига биноан маҳалла кўмиталари орқали 16 ёшгача болалари бор оилаларға, ёш болаларни парвариш қилиш учун ишламайдиган оилаларға ҳамда ёлғиз нафақахўрларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун

## «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ» ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партиясининг бешиқини қурултойи бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Сийёсий Кенгашининг ҳисоботи ва партиянинг сайловолди Дастури муҳокама этилди. Марказий Сийёсий Кенгаш Раиси А. Турсунов шу ҳақда маъруза қилди. Партиянинг сайловолди Дастури маъқулланди.

Делегатлар «Ватан тараққиёти» партиясида Ислам Каримовни мамлакат Президентлигиға номзод этиб кўрсатдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигиға номзодлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Қурултойда партия Дастури ва Низомига баъзи ўзгаришлар киритилди, партия Марказий Сийёсий Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди.

## МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг иккинчи қурултойи бўлди. Унда мазкур партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигиға номзод кўрсатиш тўғрисидаги масала кўрилди. Делегатлар Ислам Каримовни мамлакат Президентлигиға номзод этиб кўрсатдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигиға номзодлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Қурултойда мазкур партия раиси И. Фафуровнинг Миллий тикланиш демократик партияси ва Ўзбекистонда демократик сайловлар жараёни ҳақидаги маърузаси тингланди, партиянинг сайловолди Дастури маъқулланди. Марказий Кенгашининг янги таркиби, партия эмблемаси тасдиқланди. Шунингдек, партия Дастурининг янги таҳририга оид масала кўрилди.



## ҚИЗГИН ТАРАДДУД

Маълумки, шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Олий Мажлиси ҳақида маҳаллий Кенгашларига ўтказилажак сайловларға қизгин тараддуд кўрилмақда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг шахсий таркиби ўртасида ҳам мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги ана шу муҳим воқеа олдидан тарғибот ва ташвиқот ишлари қизгин давом этмоқда. Вазирлик шахсий таркибининг сайловлар олдидан бўлиб ўтган дастлабки йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Отабой Дўсқонов сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими ва қуруллойи ҳақида атрафликча тўхталди. Шунингдек, у йиғилганларнинг қўлаб саволларига жавоб берди.

Шуни ҳам айтиш керакки, вазирликнинг «Маънавият ва маърифат» марказида ташкил қилинган сайловчилар бурчига ҳам шу кунларда иш қизғин. Сураткам муҳбиримиз Рустам Шарипов ва шу сайловчилар бурчигада ташвиқот қилганлар билан муҳаббатлар (пастдаги сурат)нинг



## ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Хар қим ўз севган ошини ичади, дейди. Дарҳақиқат шундай. Бу гапни айни даврий нашрларға келгуси йил учун обунга кетаётган кезларда ҳам қўллаш мумкин. Бинобарин, сиз, қадрли «Оқшом» муштарийларини биз газетамизнинг чин ихлосмандлари деб биламиз ва сизларнинг қарий 35 йилдан буён «Тошкент оқшом» газетасиға нисбатан садоқат кўрсатиб, уни мунтазам ўқиб бораётганингизни гоят қадраймиш. Шундай экан, бу гал ҳам дўст танлашда адашмаслигингизни маслаҳат берамиз. Уйлаймизки, келгуси йилда ҳам сиз газетамизнинг чин муштарийси бўлиб қоласиз.

Ҳозир пойтахтимиздаги ҳамма алоқа бўлиmlариди «Тошкент оқшом»ға келгуси йил учун обунга қабул қилинмоқда. Демак

уни 2000 йилда мунтазам ўқиб бораман десангиз обунани расмийлаштиришни кечиктирманг.

Шуни ҳам айтиш керакки, «Оқшом»нинг мамлакатимизнинг турли бурчларида ўз муштарийлари бор. Шу боисдан унга республикамизнинг исталган бурчада истикомат қилаётган ҳар бир киши обунга бўлиши мумкин. Шу масалада бирор монелик бўлгудек бўлса, тахририятимизға — 133-29-70 рақамли телефонға кўнғироқ қилишингиз мумкин.

Сўзимизни мухтастар қилар эканмиз, «Оқшом» келгуси йилда ҳам сизнинг энг содиқ дўстингиз бўлиб қолишға қачонлик дерамиз ва унинг нашр кўрсаткичи — 209 эканлигини ана бир бор эслатиб ўтаимиз.

## Икки кун мобайнида конференция қатнашчилари қилинган маърузаларни тингладилар. Оқшом, мутахассислар ва экспертлар ўртасида суҳбатлар ва фикр алмашулар бўлиб ўтди. «Оқшом»нинг қизгин қуруллойи тарқатиш, халқаро терроризм, диний экстремизм, қуруллойи ўстидан назорат ўрнатилган соҳаларда вужудга келган хуружларға қарши кураш йўллари» мавзулари конференцияда муҳокама қилинган асосий масалалар бўлди. Шунингдек, конференцияда «Минтақавий тинчлик қуруллойи ривожлантириш», «Хавфсизликнинг иқтисодий томонлари» секцияси йиғилишларида ҳам муҳим масалалар муҳокама этилди.

— Жаноб Кирби, шундай конференцияларнинг ўз олдига қўйган максadларини нималардан иборат? — ЕАШК / НАТО доирасидаги шундай конференциялар ҳар йили ўтказилади. Бу галгиси эса биринчи марта Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг ташаббуси шарофати билан Ўрта Осиё минтақасида бўлиб ўтди. Конференция ишининг муҳим жиҳатлари турли соҳаларда — харбий-техника, мудофаа, минтақавий хавфсизлик, фавқулодда ҳолатларни режалаштириш, экология, фан, техника соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва таъминлаш муаммоларини муҳокама этишға қаратилган эди. Конференциянинг мақсади бирор аниқ муаммонини ҳал этишға қаратилмаган. Лекин биз минтақда умумий барқарорлик ва хавфсизлик пойдеворини қўйишға интиламиз. Кўп миллатли тинчликни ўрнатувчи кучларни шакллантириш йўлида кўпгина саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

## Киргизистон жанубида юз берган вазиятни тушуни олишға ёрдам берадими?

— Мен яна шу нарсага қайта таъкидламоқчиманки, бундай конференциялар аниқ муаммоларни ҳал қилишни ўз олдига қўймайди. Лекин конференция секциялари иши пайтади халқаро терроризм, минтақавий экстремизм, қуруллойи ўстидан назорат муаммолари муҳокама этилди. Бинобарин, маърузачилар ҳам, мунозара қатнашчилари йўллари, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик йўллари, муҳокама қилдилар. Ва бизларнинг ҳаммамиз Ўрта Осиё минтақасида барқарор сийёсий иқлимни экстремизм ва террорчиликнинг алангасиз яратишға ҳамкорлик қилишни хоҳлаймиз.

— Жаноб Кирби, Ўзбекистондан олган шахсий таассуротларингиз қандай? — Афсуски, мен Тошкентда оз мuddат вақтимни

## Махсус «Оқшом» учун УМУМИЙ БАРҚАРОРЛИК ПОЙДЕВОРЛАРИ

Илгари хабар берганидек, Тошкентда Евроатлантика шериклик кенгашининг (ЕАШК) «Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик» халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Конференция Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва НАТО ҳамкорлигида ўтказилди. Конференция ишида 44 та мамлакатнинг вакиллари иштирок этдилар.

ҳам ана шундай долзарб мавзунини муҳокама қилмасликларини мумкин эмас эди. Чунки диний экстремизм, терроризм кўринишлари афсуски, фақатгина сизнинг минтақадан ўзи Кавказда рўй бермаёпти. Европа ҳам, Америка ҳам ана шунга ўхшаш вазиятлар билан таниш. Ва шу боисдан конференцияда сўзга чиққанлар Киргизистонда рўй бераётган воқеалар асло миллий характер касб этмаётганини таъкидладилар. Конференция пайтади сизнинг кўп миллатли республикамизда ҳамма вақт турли динларға эътиқод қилган кишиларға сабр-тоқат, босиқлик ила муносабатда бўлинганлиги таъкидланди. Лекин экстремистлар ўзларининг қабиҳ мақсадларини амалға ошириш учун иқтисодиётни ўтиш босқичида рўй бераётган айрим моддий қийинчиликлардан фойдаланишға ҳаракат қилмоқда. Конференция жараёнида Ўрта Осиё минтақаси мамлакатларининг вакиллари минтақавий хавфсизликни ҳал қилиш

## ЖАХОНДА

♦ Киргизистон жанубида ҳукумат кўшинлари Зардоли ва Кўрган қишлоқларидан жангариларни қувиб чиқарган эдилар. Сўнги ноаниқ маълумотларға қараганда, кеча босқинчи тўдаларнинг сўнги қароргоҳи бўлган Хўжа Очкан қишлоғи ҳам улардан озод қилинган. Жангарилар гаровға олинганларни, шунингдек, тўрт янги фуқароси ва Республика ички ишлар қўшинлари қўмондонини ҳамон тутқинликда ушлаб туришибди.

♦ Кеча Покистон Қуруллойи кучлари штаби бошлиғи П. Мушариф «Покистондаги нотинчликларнинг олдини олиш» мақсадида мамлакатни ўз қўлига олганлиги ҳақида расмий хабар тарқатди. Маълумотларға қараганда, Покистон Бош вазири Н. Шариф ўз қароргоҳида тутқинликда сақланмоқда. Харбийлар Исламообод ва Лахордаги халқаро аэропортларни босиб олишган. Пойтахт телемаркази ва барча оммавий ахборот воситалари назорат остиға олинган. П. Мушариф бундай ҳаракатни Н. Шариф уни истефогачи қилиш ҳақидаги хабарлар тарқалгандан сўнг бошлаган.

♦ Кеча Қримда МДХ мамлакатлари мудофаа вазирлари кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқаро терроризмға қарши биргаликда кураш олиб бориш масаласи муҳокама этилди.

♦ Кеча Ер шарининг 6 миллиардинчи фарзанди — ўғил бола дунёға келди. Бу қувончли воқеа муносабати билан БМТнинг Бош қотиби Кофи Аннан босниқлик Фотима Невиз хонадониди бўлиб, хонадон соҳибларини янги меҳмон билан табриқлади.

♦ Хитойнинг Фуцзянь вилоятида юз берган тўфон оқибатида 30 киши ҳалок бўлди. Юздан ортиқ одам жароҳатланди.

♦ 2000 йил яқинлашаётгани муносабати билан Франциянинг барча темир йўлларидаги қармақ 20 дақиқага тўхтатилади. Темир йўллар миллий бошқармаси раҳбари Луи Галлуанинг таъкидлашича, компьютерларда учраши кутилаётган «2000 йил муаммоси» боис ана шундай қарорға келинган.

♦ Туркия пойтахти Анкара шаҳрида кураш бўйича жаҳон чемпионати ниҳоятда оқибатли. Унда 55 мамлакатдан энг кучли спортчилар иштирок этди. Ўзбекистонлик спортчилар бу мусобақада икки медални қўлга киритдилар.

♦ Мисрда янги ҳукумат тузилди. Мамлакат радиоси тарқатган хабарларға қараганда, Мисрнинг янги Бош вазири Отиф Ўбайд ҳукумат таркибиға 13 нафар янги вазири киритган.

## Санъат

### ПОЙТАХТИМИЗДАГИ КИНО БАЙРАМИНИНГ НАШИДАСИ

Илгари хабар бериб ўтганимиздек, шаҳримиздаги катта кинотеатрлардан бири бўлган «Козогистон» кинотеатрида ўзбек миллий фильмлари декадасининг таъини олиш маросими бўлиб ўтди.

— Бундай маданий тадбирларнинг ўтказилиши — халқимизнинг аъналонлиги бўлган ҳурмат-ахтиромдир, — деди тантанали очилиш маросимида «Ўзбеккино» Давлат акционерлик кампаниясининг раиси Темуралик Юнусов. — Томошабинларимиз катта қизиқиб билан кейинги икки йил мобайнида яратилган энг яхши фильмларни кўриш учун пойтахт кинотеатрлариға ташриф буюришлариға умид қиламиз. Бундай фестивалларни ўтказишдан кўзда тутилган бош мақсад ҳам «Ўзбеккино» Давлат акционерлик кампаниясининг янгиликларидан бизнинг томошабинларимизни хабардор қилишдир.

Ўзбек миллий киноси декадаси тантанали очилиш тадбирларида Ш. Аббосов, И. Эргашев, М. Ражабов сингари таниқли кинорежиссёрлар, танқидчилар, актёрлар, шунингдек, «Кичкина таби» фильмидиги бош роль ижроси, лицей ўқувчиси Дилшод Каттабеков ва Ҳамза театрининг ёш актрисаси Назира Абдувоҳидовлар қатнашдилар.

Ўзбек миллий киноси декадасининг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Эркин Эрназаров, Фарида Абдурахимовлар қатнашди.

(Ўз муҳбиримиз).

## Анжуманлар

### СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Шаҳримиздаги «Гулнора она» оила марказида Осиё маданияти ва тараққиёти (Жанубий Корея) ташкилоти билан ҳамкорликда «Соғлом оила» мавзусида ўқув семинарининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Ўқув-семинарнинг ўтказишдан мақсад — оила, оналик ва болалиқни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилани режалашда аёлларнинг ўрни, аёлларни фарздан қўришға тайёрлаш, хотин-қизлар санолатлигини ҳимоя қилиш ишлари иборат.

Семинарда «Аёл ва жамият» институтининг маслаҳатчиси Феруза Фозилова, шифокор-стоматолог Олег Ли ва бошқалар ушбу мавзуларда маъруза қилдилар. Машғулларда барча тўққиз киши оила, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш котибиятларининг бош мутахассислари, «Маънавият ва маърифат» кенгаши туман бўлиmlарининг раислари, халқ таълими бўлиmlарининг ходимлари ва маҳалла хотин-қизлар кенгашларининг раислари иштирок этдилар. Шунингдек, семинарда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова иштирок этди. Семинарнинг учинчи босқичи ноябрь ойида ўтказилиши режалаштирилди.

Гулором ҲАМИДОВА.

Сайловлар олдидан

ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЁРҚИН КЎРИНИШИ

Мамлакатимизнинг ижтимоий ўйналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришдан иборат стратегик йўлни ҳуқуқий жиҳатдан тасминлаш давлатимиз фаолиятининг беш мақсади бўлиб қолди. Республикада қабул қилинаётган барча қонунлар моҳият-эътибори билан халқнинг бахтли, тинч-тотув ҳаёти, орзу-умидларининг рўёба чиқишига қаратилган. Бинобарин, бу мақсад миллий мустақиллик гуясининг ҳаётдаги шива-қосидир.

Бугун ҳар бир фуқаронинг жамиятда кечаятган сиёсий-ижтимоий жараёнларда, жумладан, яқинлашиб келаётган умумхалқ сайловларида фаол иштирок этиши алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, бу сиёсий жараён мамлакат келажагини, миллат истиқболини белгилаб беради.

Жамиятда демократик тамойилларнинг раванқ топиши учун тинимсиз ҳаракат олиб борилмоқда. Умумхалқ сайловларининг кўппартиявийлик тизими асосида ўтказилиши ҳамда миллати, тили, динга муносабати, эътиқодидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг манфаати қўзланиши бу жараённинг асл моҳиятини очиб беради. Умумхалқ сайловлари жаҳонда қабул қилинган демократик тамойилларга биноан ошкоралик руҳида ўтказилади. Зотан, сайлов ҳуқуқий демократик жамиятнинг адолат мезонини намойиш этадиган сиёсий тадбирдир. Шу маънода фуқароларнинг ташаббус кўрсатиб, ўз вакилларини парламент аъзоллигига кўрсатиши чинакам демократиянинг ёрқин кўринишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларда ҳар бир фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари чекланмаслиги кафолатлангандир.

Ҳар бир сайловчи қайси номзод учун овоз беришини, қайси сиёсий партияни қўллаб-қувватласа, ўзининг ватанпарварлик бурчини сиздиқидан адо этиши ва мамлакат келажаги ишига дахлдорлик туйғусини яхши ҳис қилиши лозим. Сайловчи овоз бераётган номзод ҳақида барча маълумотларга эга бўлиши овоз беришдаги объективлигини тасминлайди. Фуқаро номзоднинг мансаби, бошқарув аппаратида тугган ўрнини инобатга олган ҳолда эмас, балки у томондан илгари суриллаётган дастурнинг моҳияти, ўзининг миллат тараққиёти учун қўша-оладиган хиссасини ҳисобга олган ҳолда овоз беради. Зотан, сайлов ҳақидаги қонунда депутатликка номзод шахс сайловчилар олдига маҳалла ёки туман учун ўзига овоз бериши керак бўлган, деган ваъдаларни бериши таққиланган бўлиб, унинг дастури бевосита мамлакат тараққиёти билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиши талаб қилинади. Ваҳоланки, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ўша маҳалла ёки туман инфраструктураси ва иқтисодиёти ўсиши, фуқаролар яшаш даражасининг ошишига зимин яратаяди. Айтмоқчимизки, ҳар бир сайловчи овоз бераётган номзоди олди-га маълум бир талабларни илгари сури-

ши лозим. Ваҳоланки, сайловчи фақат бир номзодни қўллаб-қувватлаб бир марабба овоз беради. Депутатликка номзод шахс мамлакат доирасида фикрлай оладиган, миллат истиқболни ҳақида ўз фикри, воқеликни талқин ва таҳлил этиб, маълум бир ҳулосалар чиқаришга қодир, қолаверса, билимли, ўз замонасининг етук фарзанди бўлиши керак.

Умумхалқ сайлови ўзига хос ва демократик тамойилларнинг устуворлиги руҳида бўлиб ўтади. Бунда депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партиялар ҳамда вакиллик органлари билан бирга бевосита фуқароларнинг ўзлари, улар бирлашган ташаббускор гуруҳларга ҳам берилади. Яъни, ҳеч қандай сиёсий партия аъзоси бўлмаган фуқаролар ҳам сиёсий жараёнда иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз. Мазкур ташаббускор гуруҳлар ўзларининг фаолияти давомида номзоди илгари суриллаётган фуқарога нисбатан талабчан ва ҳушёр бўлишлари лозим. Депутатликка номзод маҳалла ёки туман миқёсида эмас, балки, мамлакат доирасида фикрлай олиш, миллат тақдири учун уззу кун қайғуриш, халқ дардини ўз дарди каби ҳис қилиш имкониятига эга ёки эга эмаслигини ҳисобга олган ҳолда илгари суриштириш, бу фуқаро номзодини қўллаб-қувватлаш, бу фуқаро номзодини илгари суриши керак.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22/1-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида ҳақ нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тўзиши мумкин.

Таълимчилар ташаббускор гуруҳи маҳалла, кишлоқ ва бошқа ҳудудларда яшаб, ҳалол меҳнати, ишидаги шижоати, тадбиркорлиги билан эл-юрт орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган кишиларни, фермерлар, хусусий корхона раҳбарлари ёхуд бирон маҳалла оқсоқолини, юксак фикрли, халқ бахт-саодати учун жонини аямайдиган, ҳалол, иймонли фидойиларни, партия аъзоси ёки партиясиз бўлишдан қатъий назар ўзлари ишонган, ҳурмат қилган шахс номзодини депутатликка қўйиш имкониятига эгадирлар.

Жамиятимиз фуқаролари ўз депутати зиммасига қандай масъулият юклатилишини, эл-юрт, келажақ авлод олдига қандай ишларни бажариши лозимлигини қалбдан ҳис қиладилар. Шунинг учун уларнинг ақсарияти бу нуфузга эл-юртнинг тинчлигини ўйлайдиган, мамлакат келажаги ҳақида қайғурадиган фидойи инсонларни номзод қилиб кўрсатиш мақсадида мувофиқ эканлигини теран англайдилар. Зеро, Ватан тақдири, миллат истиқболни билан боғлиқ бўлган ушбу даврга ҳар бир фуқародан етук фаоллик талаб қилинади.

Рустам ШАРИПОВ, Тошкент Давлат юридик институти доценти, Қувончбек ҚОДИРОВ, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.



Собир Раҳимов туманидаги 165-мактабда Чукурсой сайлов округига қарашли 231-сайлов участкаси ташкил этилган.

Мактаб ўқитувчилари, ташвиқотчилар бундан фойдаланиб, ўқувчиларни раҳбарлик қилишга тайёрлаш ишларини бошладилар.

СУРАТДА: (чапдан ўнга) ташвиқотчилар Н. Нодирова, Д. Иммаматова, сайлов участкаси раиси Д. Исанова ва С. Ҳакимовлар иш устида.

Равиль Альбеков олган сурат.

СОХТА АРОҚДАН САҚЛАНИНГ

Тошкент шаҳар Давлат солиқ қўмитаси бош бошқармасининг савдо корхоналари ва хизмат кўрсатиш тармоқларини назорат қилиш бўлими ходимлари ўтказган тезкор текширув ҳаракатлари давомида Яққасарой тумани, Хонхўжа ота кўчаси, 19-уйда истиқомат қилувчи Мирсобит Эгамбердиевнинг хонадонидан чет эл-

ларда ишлаб чиқарилган акциз маркаси 14 миллион 665 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари сақланаётганлиги аниқланди. Мирсобит уларни майдалаб савдога чиқариш мақсадида сақлаб келаётган экан.

Солиқчилар тўплаган ҳужжатлар асосида сугаретафуруш М. Эгамбердиевнинг нисбатан жиноий иш кўзгатилиди. Хозир су-

ши лозим. Ваҳоланки, сайловчи фақат бир номзодни қўллаб-қувватлаб бир марабба овоз беради. Депутатликка номзод шахс мамлакат доирасида фикрлай оладиган, миллат истиқболни ҳақида ўз фикри, воқеликни талқин ва таҳлил этиб, маълум бир ҳулосалар чиқаришга қодир, қолаверса, билимли, ўз замонасининг етук фарзанди бўлиши керак.

Умумхалқ сайлови ўзига хос ва демократик тамойилларнинг устуворлиги руҳида бўлиб ўтади. Бунда депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партиялар ҳамда вакиллик органлари билан бирга бевосита фуқароларнинг ўзлари, улар бирлашган ташаббускор гуруҳларга ҳам берилади. Яъни, ҳеч қандай сиёсий партия аъзоси бўлмаган фуқаролар ҳам сиёсий жараёнда иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш ўринли бўлади деб ҳисоблаймиз. Мазкур ташаббускор гуруҳлар ўзларининг фаолияти давомида номзоди илгари суриллаётган фуқарога нисбатан талабчан ва ҳушёр бўлишлари лозим. Депутатликка номзод маҳалла ёки туман миқёсида эмас, балки, мамлакат доирасида фикрлай олиш, миллат тақдири учун уззу кун қайғуриш, халқ дардини ўз дарди каби ҳис қилиш имкониятига эга ёки эга эмаслигини ҳисобга олган ҳолда илгари суриштириш, бу фуқаро номзодини қўллаб-қувватлаш, бу фуқаро номзодини илгари суриши керак.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22/1-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида ҳақ нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тўзиши мумкин.

Таълимчилар ташаббускор гуруҳи маҳалла, кишлоқ ва бошқа ҳудудларда яшаб, ҳалол меҳнати, ишидаги шижоати, тадбиркорлиги билан эл-юрт орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган кишиларни, фермерлар, хусусий корхона раҳбарлари ёхуд бирон маҳалла оқсоқолини, юксак фикрли, халқ бахт-саодати учун жонини аямайдиган, ҳалол, иймонли фидойиларни, партия аъзоси ёки партиясиз бўлишдан қатъий назар ўзлари ишонган, ҳурмат қилган шахс номзодини депутатликка қўйиш имкониятига эгадирлар.

Жамиятимиз фуқаролари ўз депутати зиммасига қандай масъулият юклатилишини, эл-юрт, келажақ авлод олдига қандай ишларни бажариши лозимлигини қалбдан ҳис қиладилар. Шунинг учун уларнинг ақсарияти бу нуфузга эл-юртнинг тинчлигини ўйлайдиган, мамлакат келажаги ҳақида қайғурадиган фидойи инсонларни номзод қилиб кўрсатиш мақсадида мувофиқ эканлигини теран англайдилар. Зеро, Ватан тақдири, миллат истиқболни билан боғлиқ бўлган ушбу даврга ҳар бир фуқародан етук фаоллик талаб қилинади.

Рустам ШАРИПОВ, Тошкент Давлат юридик институти доценти, Қувончбек ҚОДИРОВ, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.

Ўқув юртининг «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан пойтахтимиздаги Ҳамза номидидаги ўзбек давлат академик драма театри биносидан уюштирилган мазкур тадбир «Устозларга таъзим, талабалikka бағишлов» деб номланди. Бу йил талабалikka қабул қилинган йигит-қизлар яхши ўқишга, билим чўққиларини тинмай эгаллашга, халқига, Президентимизга ҳамиша содиқ бўлишга қасамёд қилдилар.

Коллеж директори, юридик фанлари номзоди Миршохид Мирҳамидов уларнинг ҳар бирига талабалик гувоҳномасини топширар экан, ўқишларида омад тилади.

— Ўқув масканимизда 1200 нафардан зиёд талаба билим олади, — дейди Миршохид Мирҳамидов. — 70 нафардан зиёд педагогларимизнинг 15 нафари фан номзоди, кўпчилиги олий тоифали

дўкон ичида яширин ароқ цехи мавжудлиги аниқланди. Цехга дахлдор бўлган фуқаролар Ҳаёт Холмухамедов ва Қобил Ҳасанов қўлга олинди. Ҳар иккала «тадбиркор» ҳам Думбировод кўчасида истиқомат қилар экан.

Яширин цех кўздан кечирилганида 200 шиша қўлбола «Турон» ва «Столичная» ароғи, 1400 литр спирт хом ашёси, «Роял» спиртининг 605 та, «Турон» ароғининг 1500 та, «Столичная» ароғининг 2500 та ёрлиги, 4500 та қопқоқ, битта қопқоқловчи мосла-

ма, 200 литрлик бочкалардан 20 та, 3000 тадан ортиқ бўш шиша, 600 та эски рўсумли акциз марка чиқди. Ҳаммаси ашёвий далил сифатида олинди. Тўплаган материаллар асосида жиноий иш қўзғатилди. Туман давлат солиқ инспекциялари шаҳар дўконларида сотилаётган «Роял» спирти, «Турон» ва «Столичная» ароқларининг қанчалик ҳақиқийлигини текшириб чиқишга киришдилар.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.

этидик. ● Содиқ АБДУЛЛАЕВ, «Чорсу» маҳалласи оқсоқоли:

— Бизнинг маҳаллада бекорчи одамнинг ўзи йўқ. Сабоби хунарманд оилалар кўп. Уларнинг каттаю кичиги ота-

пекторлари ва бўш иш ўринлари ярмаркаси яқиндан кўмақдос бўлади. Маҳалламизга бириктирилган меҳнат органи инспектори Марғуба Тўлаганова ҳафтада икки марта келиб, фуқаролар билан суҳбатда бўлади. У ўзи билан

ганларим кундалик юмушлар. Аммо ҳар замонда ўтадиган бўш иш ўринлари ярмаркасининг салоҳияти бошқача. Бунда аниқ маълумот, очик мулоқот, савол-жавоб бирварақайига ҳал бўлади. Шунинг учун ярмарканинг аҳамияти катта.

● Артур АБАЕВ, «Театр жижозлари тажриба комбинати» очик акционерлик жамияти хизматчиси:

— Корхонамизда 100 га яқин ишчи меҳнат қилади. Бўш иш ўринлари ярмаркада биринчи мартаба иштирок этаётизимиз. Бизга ишлаш учун маҳоратли тикувчи ва заргарлар керак. Иш ҳақи ишбай тўланади. Ярмарка давомида жуда кўп фуқаро-

бўлмаслигининг шохиди бўлдим. Дилдора АБДУЛЛАЕВА, иш ахтариб юрган фуқаро:

— Ақмал Икромов тумани меҳнат органи томонидан ўқув марказида компьютерда ҳисоблаш уч ойлик курсида таҳсил олиб, ўзим ёқтирган жойда ишлашни хоҳлаб юрган эдим. Ярмарка ҳақида айтиб, келганим чакки бўлмади. Рангли босма фабрикасига ишга йўланма олдим. Кўп вақтимни йўқотдим, ишим тез ҳал бўлганидан, шундай ярмаркаларни ташкил этган, ёшларга тўғри маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатган мутасаддиларга ўз миннатдорчилигини билдирдим.

Шайхонтоҳур тумани меҳнат органи ходимлари саккиз ой давомида жойларда, айниқса маҳалла ёшлари, ўқув муассасаларида тарғибот ишларини жадал йўлга қўйишди. Утган давр ичида 1279 фуқаро мурожаат этган бўлса, улардан 1113 таси ишга жойлаштирилди, 179 нафари ўқишга юборилди, 19 фуқаро эса мuddатидан илгари қарилки таътилга чиқарилиди. Бир кунлик ярмарка давомида эса 1512 нафар фуқаро мурожаат этди, 1345 нафар ёш ишга, 315 таси ўқишга йўланма олди. Маслаҳат олганлар сони 1195 тани ташкил этди. Мана шу маълумотдан ҳам курсас бўладики, бўш иш ўринлари ярмаркасининг нечоғлик аҳамияти каттадир.

Гулзода МАМБЕТОВА. СУРАТДА: Шайхонтоҳур туманида бўлиб ўтган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркасининг раҳбари Рустам Шарипов олган сурат.

Бандлик ЯРМАРКАДА КЎП МАЪЛУМОТЛАР ОЛИНДИ



бобосидан қолган хунар билан шуғулланишди. Тўғри, «Шоли қурмасиз бўлмайди» деганларидек гоҳо иш ахтариб ёки касбини ўзгаришмоқчи бўлганлар ҳам учираб туради. Ана шу вақтда бундайларга меҳнат органи ин-

каерларда бўш иш жойлари борлиги ҳақидаги эълонлар варақаларини тасвия этиди. Ногиронларга, кам таъминланган ва оиласида 16 ёшга боласи бўлган оилаларга нафақалар белгилашда яқин-ёрдам беради. Айтиб ўт-

лар турли саволлар билан мурожаат этиди. Фуқароларимизнинг маънавияти юксалганлигини, изланувчан, меҳнатга иштиёқ ва ўқишга чанқоқликларини кўриб, ярмаркани ўтказиб туриш ва унда иштирок этган вақт беҳудага сарф

Таълим УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ, ТАЛАБАЛИККА БАҒИШЛОВ

Муаллим. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан билим даргоҳимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда «Таълим тўғрисида» ги Қонунга асосланган ҳолда иш юритиб, ҳуқуқ-тартибда ва халқ хўжалиги учун кўплаб ўрта махсус маълумотли етук ҳуқуқшуносларни тайёрлаб бермоқдамиз. Насиб этса, талабаларимиз шу йилнинг охиригача чорагадиган энг замонавий жиҳозланган ўқув биносида таҳсил ола бошлайдилар. Ишонманки, ўғил-қизларимизга бундай қулай шарт-шароитларни яратилиши уларни яна мукамал билим чўққиларини эгаллашга, мустақил Ўзбекистонимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга, ҳуқуқий давлат қуришда ўз ҳиссаларини қўшишга ундайди.

Талабалikka қабул қилинганларни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Ҳалима Муҳиддинова қизгин қўтлади. Шунингдек, Ҳамза театри санъаткорлари — Ўзбекистон халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов, Хожиакбар Нурматов, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиевлар ўз чиқишлари билан кечага алоҳида фойз киритишди.

Шундай қилиб, устозлар кўчуги юлга тўлди, талабалар эса гувоҳнома олиб мамнун бўлди.

Шарифа ИЛЁСОВА.

Тошкент шаҳри индустриал соҳа кичик корхоналарини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг илмий асоси бўлган концепцияни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки концепция кичик корхоналарнинг истиқболларини аниқлашнинг йўллари, уларни ҳал этишнинг асосий йўналишлари ва йўллари ҳамда бажарилиши керак бўлган даврларни аниқлашга ёрдам беради.

XXI аср бўсағасида ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг моҳияти, жумладан кичик корхоналарни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг концептуал асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан асослаб берилди ва улар хусусан қуйидагиларда намоён бўлади: иқтисодиётда хусусий мулк миқёсини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, халқнинг турмуш даражасини кўтариш, аҳолининг иқтисодий фаолигини ошириш ва янги иш ўринлари барпо этишни рағбатлантириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ҳақиқий рақобат муҳитини ривожлантириш, ташкилий иқтисодий фаолиятни тақомиллаштириш, экспорт салоҳиятимизни кучайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Кичик бизнес соҳасида улар учун профессионал, айниқса бошқарувчи кадрлар тайёрлашни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес мактаблари тармоғини вужудга келтириш, иқтисодиёт таркибида кичик корхоналарнинг муносиб ўринини эгаллашнинг таъминлаш, яқин икки-уч йил ичида улар сонини икки баробар кўпайтириш ҳамда ялпи миллий маҳсулотда уларнинг уллушини камида йигирма беш фоизга етказишга эришиш.

Ўқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Тошкент шаҳридаги индустриал соҳа кичик корхоналарнинг истиқболдаги ривожланиши ва самарадорлигини ошириш қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

— бугунги кунда мавжуд бўлган камчиликларни бартафоз этиш ва имкониятлардан самарали фойдаланишни таъминлаш; — кичик корхоналарнинг ривожини ва минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиётини йўлдан тартмай амалга ошириш, бу борада ташкилий, услубий ва бошқа тадбирларни кенг юзга чиқариш; — Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда кичик корхоналар учун мутахассислар, айниқса бошқарувчи кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини йўлга қўйиш ҳамда ахборот-қонсалтинг тизимини мустаҳкамлаш; — кичик корхоналарнинг техник даражасини кўтариш, уларнинг рақобатбардорлик даражасини ошириш ва инновацион жараёнларни кучайтириш таъминлаш; — кичик корхоналарни ривожлантириш учун қўлай иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, айниқса, кредит олиш, банк-молия тузилмалари ўртасидаги муносабатларни тақомиллаштириш;

— ташкилий иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, уларнинг хом ашё ва бошқа моддий ресурслар бозорига объектив кириб боришларини кенгайтириш ҳамда кичик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда сўлатилишининг оптимал механизми ва тизимларини йўлга қўйиш; — кичик корхоналарни бошқаришни тақомиллаштириш 1999—2002 йиллар давомида кичик корхоналар сонининг камида

икки баробар ўсишини таъминлаш ва бошқарил.

Кичик корхоналарни ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган асосий йўналишларни амалга ошириш жараёнида Тошкент шаҳрининг қуйидаги минтақавий хусусиятларини ҳисобга олиш зарур: минтақада кучли илмий салоҳиятнинг тўпланганлиги. Айни пайтда бугунги кунда шаҳар ҳудудида жойлашган кучли илмий салоҳиятдан жуда сўфойдаланилмоқда. Бу ҳолат илмий ғоя ва натижаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинишни таъминлаш, инновацион ривожланишни қўллаб-қувватлашни талаб этади. Минтақада индустриал ва илмий кўп талаб қилувчи ишлаб чиқаришнинг ривожланганлиги пойтахтнинг яна бир муҳим хусусиятидир. Бу эса кичик ва йирик корхоналар ўртасида объектив иқтисодий муносабатларни шакллантириш, жаҳон тажрибаси асосида меҳнат тақсимоти масалаларини тақомиллаштиришни тақозо этади. Минтақада илгор ҳудудий ишлаб чиқариш шакллари жорий қилишга иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий коммуникацион ва бошқа имкониятларнинг мавжудлиги хусусияти ҳам эътиборга лойиқ. Бу, ўз навбатида, шаҳарда технополис, технопарк ва ҳудудий ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг самарали шакллари жорий этишни талаб этади. Тошкент шаҳри — мамлакат пойтахти эканлигини ҳисобга оладиган бўлса, кичик корхоналар фаолиятини жаҳон андозларида молини таъминлаш масаласи кўндаланг бўлади.

Кичик корхоналарнинг муҳим аҳамияти шундаки, аҳолининг иқтисодий фаолигини ошириш, халқнинг турмуш даражасини кўтариш, хотин-қизлар меҳнатидан рационал фойдаланиш ва бошқаруви тарбияси каби ижтимоий масалаларнинг ижобий ҳал қилинишига улар ижобий таъсир кўрсатади.

Саноат соҳасидаги кичик корхоналар бўйича устувор вазифалар, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш, ишлаб чиқаришни техник даражасини ошириш, маҳсулот сифати ва рақобатбардорлигини таъминлаш, маҳсулот асортиментини тақомиллаштириш, ташкилий иқтисодий фаолият, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва экспорт-импортнинг энг матлуб нисбатларига эришиш, инновацион жараёнларни кучайтириш (айниқса маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш), кичик корхоналарнинг яшовчанлик даражасини ошириш, кичик корхоналар сонини камида икки баробар оширишдан иборат деб кўрсатиш мумкин.

Қурилиш соҳасидаги кичик корхоналарда юқоридагилар билан бир қаторда ишлаб чиқариш материаллар сарфи даражасини тушириш каби муаммоларни транспорт соҳасидаги кичик корхоналарда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва хизмат кўрсатиш маданиятини кескин ошириш масалаларини ҳал қилиш талаб этилади. Алоқа соҳасидаги кичик корхоналар фаолиятида устувор йўналиш сифатида хизмат кўрсатишнинг жаҳон стандартларига етказилиши учун бугунги кунда зарур шарт-шароит мавжудлигини дарқоб қилиб, шундай даражага эришиш керак.

Умуман, шаҳар индустриал соҳа кичик корхоналарининг истиқболдаги ривожиди илм ва меҳнатни кўп талаб қилувчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолиши керак. Ўқорида кўрсатиб ўтилган концептуал йўл-йўриқларнинг амалга оширилиши XXI аср бўсағаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳар томонлама жадаллашишига ижобий таъсир этади.

Ақром АЛИМОВ.

Назорат

СОХТА АРОҚДАН САҚЛАНИНГ

Тошкент шаҳар Давлат солиқ қўмитаси бош бошқармасининг савдо корхоналари ва хизмат кўрсатиш тармоқларини назорат қилиш бўлими ходимлари ўтказган тезкор текширув ҳаракатлари давомида Яққасарой тумани, Хонхўжа ота кўчаси, 19-уйда истиқомат қилувчи Мирсобит Эгамбердиевнинг хонадонидан чет эл-

ларда ишлаб чиқарилган акциз маркаси 14 миллион 665 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари сақланаётганлиги аниқланди. Мирсобит уларни майдалаб савдога чиқариш мақсадида сақлаб келаётган экан.

Солиқчилар тўплаган ҳужжатлар асосида сугаретафуруш М. Эгамбердиевнинг нисбатан жиноий иш кўзгатилиди. Хозир су-

ма,



